

Таъзия



13:13 / 02.09.2020 1076

Hilol Nashr» нашриёт-матбаа мажмуаси ҳамда Islom.uz портали жамоаси 75 ёшга кириб бу фоний дунёни тарк этган Мустафақул домла Меликовнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мустафақул домла динимиз равнақи йўлида узоқ йиллар меҳнат қилган, камтар кўп фазилатлар соҳиби эдилар. У киши Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолари Кенгашининг аъзоси, 1974 йилдан йилдан бери, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги «Хўжа Зудмурод» жоме масжиди имом-хатиби бўлиб ишлаб келган эдилар.

Аллоҳ таоло марҳумнинг барча солиҳ амалларини ўзларига ҳамроҳ айлаб, Ўзининг шомил мағфирати ва раҳматига олсин.

Ушбу мусибат дамларида марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз ва барча яқинларига Аллоҳ таоло гўзал сабр берсин.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз».

Islom.uz портали